

ГЛОБАЛ ДАРАЖАДАГИ КИБЕРЖИНОЯТ РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Хасанов Умиджон Юсупович

Бухоро давлат университети мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20953314>

Тури глобал ташкилотлар, жумладан, Жаҳон банки[1], Халқаро валюта фонди[2], Халқаро телекоммуникация иттифоқи (International Telecommunication Union – ITU)[3], Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD)[4], Халқаро иқтисодий форум (World Economic Forum – WEF)[5] каби ташкилотлар томонидан эълон қилинган ҳисоботларни тизимли таҳлил қилиниб, ўтказилган ўрганишларимиз халқаро даражада умумлаштирилган ҳолатда давлат бошқарувида кибержиноят рискларини стратегик бошқаришнинг самарадорлиги институционал мувофиқлаштиришнинг марказлашганлиги, ҳуқуқий базанинг тизимлилиги, киберрискларни баҳолаш ва мониторинг қилишнинг ягона методологияси, давлат органларининг ҳисобдорлиги ҳамда киберинцидентларга тезкор муносабат билдириш механизмларининг мавжудлиги каби омилларга боғлиқ бўлиши мумкин, деган хулосага келдик. Бу эса ҳар қандай миллий иқтисодиёт шароитида давлат бошқаруви тизимида кибержиноят рискларини стратегик бошқариш механизми айланиб ўтиши билан боғлиқ омилларни инобатга олинган ҳолатда ишлаб чиқиши мамлакатда киберхавфсизликни таъминлаш самарадорлигини ошириш имконияти беради, деган хулосага келиш имконини беради.

Халқаро иқтисодий форум (WEF) томонидан глобал даражада давлат бошқарувида кибержиноят рискларини стратегик бошқаришнинг самарадорлигини баҳолаш борасида ўтказилган тадқиқотлари натижаларига кўра, “миллий иқтисодий муносабатлар тизимида рақамли трансформациялашув жараёнлари жадаллашиб бораётгани сари, давлат бошқаруви тизимида киберхавфсизликни таъминлаш имкониятлари ҳам тобора мураккаблашиб бориши билан боғлиқ тенденцияларни аниқлашга эришилган”[5] ҳисобланади. Жумладан, глобал даражада ўтказилган тадқиқотлар натижасида турли минтақалар кесимида мамлакатларда ташкил этилган киберҳужумлардан ҳимояланиш инфратузилмаси ҳолатига (1-расмга қаранг) қуйидаги баҳоларни беришга эришилган:

Яқин Шарқ ва Шимолий Африка минтақаси мамлакатларида амал қилаётган киберҳужумлардан ҳимояланиш инфратузилмаси жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги мамлакатларга нисбатан сезиларли даражада юқори ишончли бўлиб, ишончилилик даражаси 84 фоизни ташкил этади. Ушбу ҳолат мазкур минтақа мамлакатларида рақамли трансформациялашув жараёнлари нисбатан ёпиқ сиёсий режим шаклида амалга ошириляётганлиги билан изоҳланади;

Лотин Америкаси ва Кариб денгизи мамлакатларидаги киберҳужумлардан ҳимояланиш инфратузилмасининг ишончилиги даражаси 49 фоизлик салбий натижани қайд этиб, глобал даражадаги самарадорлик ҳолати паст бўлган мамлакатлар сифатида намоён бўлмоқда;



1-расм. Жаҳон мамлакатларининг киберхужумлардан ҳимояланиш инфратузилмаси ишончилиги даражаси, фоизда, 2026 й.[5]

Шимолий Америка минтақаси мамлакатларида очиқлик сиёсатига устуворлик қаратилиши билан биргаликда, рақамли трансформациялашув жараёнларининг бошқа мамлакатларга нисбатан жадал суръатларда кечаётганлиги сабабли, мазкур минтақа мамлакатларидаги киберхужумлардан ҳимояланиш инфратузилмаси ишончилиги нисбатан пастроқ бўлиб, унинг ҳолати 38 фоизлик ишончилилик даражсида бўлганлиги билан характерланди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Саҳроик Кабирдан Жаанубдаги Африка мамлакатлари томонидан мазкур йўналишда эришилган самарадорлик ҳолати ҳам Шимолий Америка минтақаси мамлакатлари кўрсаткичлари билан ўзаро бирига яқин бўлиб, ишончилилик даражаси 37 фоизни ташкил этган бўлиб, ушбу ҳолат мазкур минтақа мамлакатларида рақамли трансформациялашув жараёнлари бошқа мамлакатларга нисбатан сезиларли даражада ортда қолаётганлиги билан биргаликда, рақамлаштирилган давлат хизматларининг қамрови ва сифати нисбатан пастлиги билан изоҳланади;

Европа, Жанубий ва Марказий Осий минтақаси мамлакатларида ҳам жаҳондаги етакчи мамлакатлар сингари рақамли трансформациялашув жараёнлари жадал суръатлардаги ривожланиш тенденцияларига эга бўлаётганлиги билан характерланиб, мазкур минтақалар мамлакатларидаги киберхужумлардан ҳимояланиш инфратузилмасининг ишончилиги даражаси 40 фоизни ташкил этган. Ушбу ҳолат мазкур мамлакатлар давлат бошқаруви тизимида рақамлаштириш борасидаги ислохотлар ҳисобига янги рақамли технологияларнинг амалиётга жорий этиб борилиши ҳисобига амалдаги киберхавфсизлик инфратузилмаси имкониятлари чекланиб қолаётганлиги билан изоҳланади.

Таҳлил қилинган хорижий тажрибалар умумлаштирилганда, давлат бошқаруви тизимида кибержиноят рискларини стратегик бошқаришнинг самарадорлиги қуйидаги асосий институционал омилларга боғлиқ эканлиги аниқланди:

биринчидан, киберхавфсизлик соҳасида ягона марказлашган мувофиқлаштирувчи институтнинг мавжудлиги;

иккинчидан, давлат органлари учун ягона киберриск баҳолаш стандартининг жорий этилганлиги;

учинчидан, критик ахборот инфратузилмаларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш механизмининг шаклланганлиги;

тўртинчидан, киберинцидентларни мониторинг қилиш ва мажбурий ҳисобот тизимининг мавжудлиги;

бешинчидан, давлат хизматларининг рақамли барқарорлигини таъминловчи профилактик хавфсизлик тамойилларининг жорий этилганлиги.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви тизимида кибержиноят рискларини стратегик бошқариш механизмларини такомиллаштириш учун гибрид институционал модельни шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Cobos E.V. Cybersecurity Economics for Emerging Markets. International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank, 2024. – 102 pages.
2. Khiaonarong T., and Zheng Sh. The Rise of Cyber Events and Digital Fraud in the Financial Sector. IMF Working Papers, Working Paper No. WP/26/62, International Monetary Fund, March, 2026. – 33 pages.
3. Strategic Engagement in Cybersecurity: Guide to Developing a National Cybersecurity Strategy. Third Edition 2025, International Telecommunication Union (ITU), 2025. – 60 pages.
4. Towards international coherence of cybersecurity regulations. OECD Digital Economy Papers No. 384, OECD, May, 2026. – 27 pages.
5. Global Cybersecurity Outlook 2026. World Economic Forum, Jan., 2026. – 63 pages.